## Шаҳар хўжалиги мавзуида

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида қабул қилган қарорига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимиздаги ҳар бир туманда штаблар ташкил этди. Бундан кўзланган асосий мақсад маҳалла ва мавзелар санитария аҳволини яхшилаш, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишига эришиш, бозорларда, автобус, метро бекатларида савдо қилинаётган турли таомларнинг санитария назоратидан ўтишини таъминлаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишдир.

Шаҳримизнинг ҳавоси тоза, суви ширин, қуёши нурли, табиати гўзалдир. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш ҳам қарз, ҳам фарз. Пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик ва Навоий театри майдонлари, Амир Темур хиёбони, Ўзбекистон миллий боғи, Санъат саройи, Навоий ва Ўзбекистон, Бобур ва Фурқат кўчаларини кўздан кечирганимизда уларнинг кўкаламзорлашганлиги ва ободлиги кўзга ташланади. Ундан ташқари шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ихтисослаштирилган ободонлаштириш бошқармаси жамоаси марказий хиёбонлар ва кўчаларни саранжом-саришта, мусаффо сақлаш учун бор имкониятларни ишга солаётгани яққол кўриниб турибди.

Тошкент Агрегат заводи ётоқхонаси атрофидаги озодагарчилик ҳам киши дилини равшан қилади. Теварак атрофга мевали дарахтлар экилган спорт майдончаси ишчилар ихтиёрида, у тартибга келтирилган.

Афсуски, шаҳримизнинг барча турар жойларида ҳам бундай ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлавермайсиз. Марказдан узоқлашган сайин димоғингизга қуйинди ҳиди урилади. Нима тутаётган экан? Ҳа, топдингиз. Қаердадир чиқинди, шох-шаббалар ва баргларнинг уюми ёнаяпти. Хўш, қаерда? Йўл-йўлакай шаҳар айланиб борарканмиз, Амир Темур кўчасидаги алоқа электротехника институтининг 5-ётоқхона олдида 4-Автодормехбаза ҳайдовчилари Б. Обидов, З. Маткаримов шох-шаббаларни ёқаётганининг гувоҳи бўлдик. Сўрасак «Директоримиз ёқиб юборинглар, тезроқ камайсин дедилар», дейишди. Худди шу кўчанинг Гвардия кўчаси билан кесишган жойидаги яна бир ана шундай тутун булоғидан ранжиб бораётиб, Асбобсозлик заводи биқинидаги икки жойда, «Чинобод» санаторийси ёнида эса уч жойда шох-шаббалар ёнаётганига кўзимиз тушди.

«Нима бўпти, ёнса-ёнибди-да» дерсиз. Зотан биз шундай ҳолатларга кўникиб қолганмиз. Ваҳоланки, ёнаётган чиқинди уюмларидан тарқаётган тутун, қоракуя ва чанг зарралари инсон соғлиғига жуда зиён эканини тушунмаймиз. Шифокор олимларнинг аниқлашларича ҳавонинг бундай бузилиши турли касалликларнинг келиб чиқишига, айниқса, аллергия ва бронхиал астма хасталикларининг авж олишига сабаб бўлади. Хазон-чиқиндилар шифохоналар ҳовлиларида ҳам ёқилаётгани бизни таажжубда қолдирди. Тошкент тиббиёт-педиатрия институти ҳовлисининг бир қанча жойларида чиқинди уюмлари, шох-шаббалар ёқиб юборилар экан. Акмал Икромов туманидаги Улуғбек, Раҳимбобоева, Саккокий кўчаларида, Яккасарой туманида Хлопковая, Горбунова, Абдуллаева кўчасини, «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти 6-ётоққонаси олдида, Саломатин кўчасининг тез тиббий ёрдам станцияси рўпарасида чиқиндихоналар ёнар эди.

Ҳар куни тонгда Дўмбробод маҳалласининг Новза-Қозиробод мавзесида 9 та кўп қаватли бинолар жойлашган 113-уй-жой бошқармасига қарашли 11-уйнинг ёнида салкам 2-3 йилдан бери қазилган зовур жой ташландиқ аҳволга келган, негаки бу зовур ёнида жойлашган Бобоев, Новза-Қозиробод ва 9 та кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан чиқиндихонага айлантирилган. Шох-шаббаларни, хазонларни ёқиб юбораётган 113-уй-жой бошқармаси ходимлари А. Сойипова, Аҳмедова ва Илёсовлар «Ташиб кетишмайди, ёқиб юборишга мажбурмиз», дейишди. Шундай аҳволни Байналмилал кўчасининг бир неча жойида, 9-мавзедаги 12, 13-уйлар ёнида Бешёғоч бозорида учратдик. Чирчиқ каналининг бўйига қурилган Бектемир туманидаги янги савдо-улгуржи бозорини туман корхоналари ободонлаштириш ходимлари, «Автодормехбаза» машиналари чиқиндиларини тўппа-тўғри канал қирғоғига ташлашмоқда, чиқиндилар ёниб бурқсиб ётибди.

Пойтахтимизнинг тозаланиши лозим бўлган 38,9 миллион квадрат метр жойидан ҳар куни 20 миллион квадрат метргина тозаланади. Барча жойларнинг озода бўлиши учун 10 мингга яқин фаррош керак. Бугун эса 5-6 минг фаррош ишлаб турибди.

Биз ҳаётимиздаги етишмовчиликлар, лоқайдликлар учун нуқул мутасадди ташкилотларни айблашга ўрганиб қолганмиз. Аммо озодаликка ҳамма ташкилот ва муассасалар ҳам қараши керак. Шу йилнинг 10 ойи ичида шаҳар тозалиги қоидаларини бузгани учун 170 кишига, асосан туман ободонлаштириш, уй-жой бошқармаларига, «Автодормехбаза» ва айрим маҳалла оқсоқолларига жарималар солинди.

Қайси жой инсон эътиборидан четда қолса, ўша ерда албатта бирон нохушлик рўй бериши ҳаммага маълум. Шаҳримиздаги корхона, ташкилот, турар жой бошқармалари ўз ҳудудларида нималар содир бўлаётганига бепарво қарамасликлари керак. Улар ўз майдонларидаги чиқиндиларни «Автодормехбаза» ходимлари олиб чиқиб кетишмагунча ҳеч қандай чора қўллашмаяпти. Фаррошлар эса хазон, чиқиндиларни камайтириш, осон йўқотиш учун зўр бериб ёқишаяпти. Ёниб кулга айланса камаяр эмиш. Ваҳоланки биз юқорида айтганимиздек ёқилган хазон чиқиндилардан чиққан тутун об-ҳавони заҳарлаши, қора куя ва зарарли газлар инсон сиҳат-саломатлигига катта зиён етказишини чуқур ва виждонан ўйлашимиз керак.

Саидмурод САЙДАЛИЕВ,

*Тошкент шаҳар бош давлат санитария шифокорининг ўринбосари.*



*Болани гулга қиёслашади. Улар орасидаги уйғунлик шундан бўлса ажабмас.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

## Қуйи жисмоний тарбия бўғинларида

# АНЪАНАВИЙ БЎЛАДИ

***Юнусобод туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда. Куни кеча якунланган туман ҳокими кубоги учун футбол бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам фикримизнинг далилидир.***

Ушбу мусобақаларда барча ёшдаги ҳаваскор футболчилар қатнашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У тўртта тоифадаги жамоалар ўртасида ташкил этилган бўлиб, биринчи гуруҳда кичик ва юқори мактаб ёшидаги болалар алоҳида беллашишди. Иккинчи гуруҳда эса ҳунар-техника билим юртлари, учинчи гуруҳда олий ўқув юртлари, маҳалла, корхона, ташкилот, муассаса ва тижорат тузилмаларининг командалари энг кучли жамоани аниқлашди. Тумандаги учта энг кучли команда—асбобсозлик заводи, ТошГРЭС ва трамвай-троллейбус бошқармаси жамоалари эса босқич беллашувларида иштирок этишмади. Улар ўз кучларини охирги ҳал қилувчи — Суперкубок баҳсларида намоён қилишлари лозим эди.

Ҳаммаси бўлиб 54 та футбол командаси иштирок этган ушбу мусобақаларни Юнусобод даҳаси, 19-мавзедаги «Саманган» жамоа корхонаси барча рақибларини доғда қолдириб катталар ўртасида кубок соҳиби бўлди.

Суперкубокни қўлга киритиш мақсадида эса тумандаги энг кучли жамоалар майдонга тушишди.

Бунда дастлабки ўйин Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ва асбобсозлик заводи жамоалари ўртасида бўлди. Бунда асбобсозлик корхонаси футболчиларининг тажрибалари қўл келиб, улар йирик 3:0 ҳисобида зафар қучдилар.

ТошГРЭС ва «Саманган» командалари ўртасидаги беллашув эса аксинча—шиддатли ва муросасиз кечди. ТошГРЭСлик чарм тўп устталари пойтахт чемпионатида иштирок этишларига қарамасдан саманганликлар ҳам бўш келишмади. Ушбу ўйинда ТошГРЭС футболчилари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шундай қилиб ТошГРЭСнинг ишқибозлар билан тўла ўйингоҳига ҳал қилувчи баҳсда ТошГРЭС ва асбобсозлик жамоалари тушишди. Муносиб рақиблар беллашувида асосий ва қўшимча вақт 0:0 ҳисобида тугади. Ўн бир метрли тўп тепиш бўйича 4:2 ҳисобида ТошГРЭС футболчилари ғалаба қозонишди ва суперкубокнинг соҳиби бўлишди.

Шуниси эътиборга лойиқки, кубокнинг энг яхши ўйинчилари, энг сермаҳсул футболчига «ЎзДЭУ электроникс» қўшма корхонаси, «Умид гуллари», «Эркин» фирмалари, «Ўзбек савдо уйи» ва бошқа ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундай мусобақаларни ҳар йили ўтказишга келишиб олинди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

## «02» хабар беради

# ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

◆ 6 ноябрь куни соат 17.00 да Миробод туманидаги Першин кўчасидаги уйлардан бирида ароқхўрлик қилиб ўтирган икки киши бир-бири билан чиқишолмай қолди. Узоқ вақт сан-мандан кейин шишадош ҳалигина бир-бирларига айтган яхши қадаҳ сўзларини умуман унутишиб муштлашувга ўтиб кетишди. Уларнинг муштлашуви унчалик узоқ давом этмади. 1959 йилда туғилган А. Мастали Ҳ. Гарифуллинга кучлироқ зарба етказганидан кейин «рақиби» осонгина ерга қулади. Ерда ётган шишадошини А. Мастали аяб ўтирмади. Аксинча ички тана аъзоларига қаттиқ зарба берди. Икки «улфат»нинг можаросига ички ишлар хизмати ходимлари барҳам беришди. Улар устидан ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

◆ «Қўйлиқ» бозорида фирибгарлик қилиб деҳқонлар мол-мулкига кўз олайтириб юрган И. Пак ҳам бугун қилмишлари учун терговда жавоб бериб ўтирибди. Асли Нукус шаҳрида яшовчи бу кимса ҳеч қаерда ишламайди. Касби фирибгарлик. Содда одамларни алдаб кун кўриб юрганди. Кўза кунда эмас, кунида синишини билса-да қинғир ишини ташламади. «Қўйлиқ» бозорида Жиззах вилоятидан келган деҳқоннинг 6 қоп олмасини савдолашиб олади-ю пулини бермайди. Деҳқон молини олдириб қўйганидан кейин ички ишлар ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари ўтказган қатор амалий ишлардан кейин фирибгар И. Пак деҳқонга пулларини беришга, ўзи эса қилмиши учун жавоб бериш учун бўлимга келишга мажбур бўлди.

◆ «Олой» бозорида ҳеч қаерда ишламайдиган А. Дамир ҳам кайф устида жиноятга қўл уради. У эрига бозордан янги жемпер сотиб олган А. Шаҳлонинг олдидан чиқиб унинг қўлидан жемперни тортиб олади. Шаҳло ҳам қараб турмади. Ёрдамга одамларни чақирди. А. Дамир беозор аёлнинг қўлидаги молини тортиб олган безорининг адабини бериб қўйиш учун кишиларнинг у томон келишаётганлигини кўргач жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлади. Аммо кўпдан қочиб қутилармиди?!

Жамиятимизга ҳам, оиласига ҳам бир тийинлик фойда бермасдан топганини ичиб, ичкилик оқибатида ўзгаларга хавф солаётган А. Дамирни Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасига олиб келишганда у ўзига келди. Барча қилмишлари учун кечиришларини сўради. Афсус у кеч қолди.

◆ Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридан келган, 20 ёшли А. Искандар ҳам жиноятчиликка қўл урди. У Юнусобод туманидаги «Бинафша» ошхонасига эшик қулфларини бузиб кириб у ердаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлашга уринганида марказий қўриқлаш пульти ходимлари томонидан қўлга олинди. Бу кимсага нисбатан энди одил қонунларимизда белгиланган жазо қўлланилади.

◆ Яккасарой туманидаги Ўзбекистон кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи М. Ҳасан ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотгач уни текшириб кўришди. Ички ишлар ходимлари адашмаган экан. Асли Асака шаҳридан келган бу кимса шаҳримизга ажал уруғи бўлмиш гиёвандлик моддаларини олиб келиб сотиш билан шуғулланар экан. М. Ҳасан истиқомат қилаётган уй текширилиб кўрилганида унинг дивани остига 84 грамм марихуана гиёвандлик моддасини яшириб қўйилганлиги маълум бўлди. Ноқонуний равишда иш қилиб юрган бу кимса ҳам қилмишига яраша жазосини олади.

◆ «Чорсу» бозори шаҳримиздаги энг гавжум бозорлардан бири. Ҳар куни бу ерга харид қилгани, мол сотгани келиб кетгувчиларнинг саноғи йўқ. Бировга сотиш, бировга олиш учун бозор қулай-да. Аммо самарқандлик дарвозалик Э. Раҳматга бозор бошқа нарса учун керак экан. Бир неча бор ўғирлик қилишга улгурган бу йигит навбатдаги ўғирликка қўл урганида шу ерда хизмат вазифасини ўтаётган милиция ходимлари томонидан ушланди. У телпак сотаётган сотувчи С. Каримга қарашли шундай молни ўғирламоқчи эди.

◆ Чиноздан келган учар А. Серикнинг бу гал омади келмади. У «Фарҳод» бозорида мол харид қилаётган уй бекаси А. Людмиланинг ҳамёнида пул кўплигини сезгач унинг сал чеккароқ жойга чиқишини пойлаб турди. Уй бекаси автобуслар тўхтайдиган бекат томон келаётганида унинг сумкасини қўлидан юлқиб олиб қочади. 6 минг сўмидан ажралиб қолишни истамаган А. Людмила одамларни ёрдамга чақиради. Шу ерда ҳозиру нозир турган ички ишлар ходимлари талончини бир пасда ушлашди.

*ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.*


ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА
ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Ғазета ва журналларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.


## АНТИҚА ҲАНГОМАЛАР

### ФАРҚ

—Ўғлимга машина олиб берган эдим. Бели оғриб пул топмаган-да. Бир ойга қолмасдан шалоғини чиқариб ташлади.

— Шунақа дегин. Мен ўғлимнинг бошидан сув ўгириб ичсам бўларкан-да. Шу десанг ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмайди.

— Нима, сен ҳам машина олиб бердингми?

— Йўқ. Хотин олиб берганман.

### КИМНИНГ ХОТИНИ

— Пешонам шўр экан, ўртоқ. Хотиндан ёлчимадим.

— Нима гап, тинчликми?

— Эй, тинчлик қаерда, дейсан. Хотин зоти ҳам шунақа ўжар бўладими. У кишининг айтгани-айтган, дегани-деган. Гап десанг қопи билан, иш десанг кўчадан топасан. Бу кишининг дастидан бирорта аёл янги кийим кия олмайди. Кўча-кўйдами, меҳмон-изломдами кимнинг эгнида янги кийим кўриб қолса бўлди, олиб бермаганингга қўймайди. На борингга кўнади, на йўғингга кўнади.

— Тўхта-тўхта, сен ким ҳақида гапиряпсан. Ўзингнинг хотинингними ё менинг хотинимними?

### ЎҒИЛНИНГ ИШХОНАСИ

— Ҳа, ўртоқ бормисан? Ўн-ўн беш кундан буён кўринмай қолдинг? Соқолларинг ўсиб, ранги-рўйинг ҳам бир ҳолатда бўлиб қолибди. Қаерда эдинг?

— Қаерда бўларди, ўғлимнинг ишхонасида.

— Ўғлинг қаерда ишлайди?

— Хушёрхонада.

### АНТИҚА ҚАЙНОНА

— Ҳой овсин, келинингиз билан муросангиз яхшими?

— Вой, нимасини айтасиз. Яхши бўлганда қандоқ. Илойим кўз тегмасин. Ҳозир жуда яхшики, асти қўяверасиз. Унинг гапини мен эшитмайман, меникини у эшитмайди.

— Вой, шўрим! Ҳой, нима бало, келинингизнинг қулоғи оғирроқми?

— Вой, унақа деманг, нега оғир бўларкан. У бошқа шаҳарда, мен бошқа шаҳарда яшаймиз-да.

### ГАП ДЎППИДА

— Қизингни бирор жойга узатдингми, ўртоқ?

— Узатишга бир амаллаб узатдиму, бу ёғига юрагимни ҳовучлаб ўтирибман.

— Нега энди?

— Эй, сен сўрама, мен айтмай. Қизим тушмагур на овқат пиширишни, на супурги ушлашни билади. Ўргатганга кўнмайди. Тил бир қарич, чайнагани эртаю кеч сақич. Ўзи ниҳоятда ўжар, иш буюрсанг доим касал. Худди онасининг ўзи. Бунақа келин кимгаям керак, дейсан. Кўч-кўронини кўтариб келиб қоладими деб хавотирдаман.

— Кўпам ташвишланаверма. Узатишга-ку узатиб қутилибсан. Қандингни ур. Энди мен сенга айтсам, дўппингни осмонга от, қайтиб ерга тушса, ҳаш-паш дегунча битта боланг иккита бўлиб келиб қолади, агар дўппинг ерга тушмаса, қизинг ҳам қайтиб келмайди.

Аброр ШАЙХОВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


25—30 ЙИЛЛИК РЕПЕТИТОРЛИК ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИ!
**«СУРЪАТ» ФИРМАСИ**
**ОЛДИНГИ «АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ»**
**КИЧИК КОРХОНАСИ**

1996 йилда Тошкент шаҳрининг барча эътиборли олий ўқув юртларига кириш учун тест танлови имтиҳонларини топширишни режалаштириб қўйган толиби илмлар учун махсус ихтисослаштирилган

**ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Маълумки, узоқ йиллардан бери фақат бизнинг фирмадагина абитуриентларнинг ижодий фаолияти мукаммал ва тўлиқ бошқарилиб келинади. Фирма ўзининг катта профессионал тажрибаларига эга бўлган профессор-ўқитувчилар (репетиторлар) жамоасига эга. Бутун тайёрлаш жараёни даврида абитуриентларнинг мукаммал илм олишлари, юқори савияда ўзлаштириб боришлари учун барча зарур чора-тадбирлар кўриб борилади.

Ақалли кейинги 4 йиллик натижаларимизни намуна сифатида таъкидлайдиган бўлсак, бизда тегишли тест фанларини юқори балларга ўқиб битирган абитуриентларимизнинг мос равишда: 90%, 95%, 100%, 100% ва ўзлари танлаган эътиборли олийгоҳларга қабул қилиниши билан якунланди. Бу йилги маррамиз ҳам 100% тайёрлаш натижасига эришишдир.

Фирма мақсадга мувофиқ бўлган барча ҳолларда, тайёргарликнинг сифати ва натижаси учун «МОДДИЙ» ва «МАЪНАВИЙ» жавобгарликни ўз зиммасига олади. Тайёрлаш нархларимиз ҳам ўрта ҳол оила имкониятлари даражасида. ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ КЕЛИШУВГА БИНОАН ТУРЛИЧА.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир (олдинги Шота Руставели) кўчаси, 118-уй, 26-мактаб биноси, 2-қават. Мўлжал: Волгоград ва Усмон Носир кўчалари чорраҳасида жойлашган.

***ҚАБУЛ ВАҚТИ: ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Дам олиш куни — якшанба.***

***Маълумотлар олиш учун телефон: 42-10-83.***

**ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!**

*ВАҚТНИ, ИМКОНИЯТНИ ВА ЭНГ АСОСИЙСИ, ФАРЗАНДИНГИЗ ТАҚДИРИНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!*





«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**
(Хадра майдони)

БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН!
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА - 1995 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ - 1996 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
**«ЦИРКДА АРЧА»**

ҚАТНАШАДИЛАР:
Қорбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, цирк санъатининг барча жанрлари вакиллари ва ўргатилган ҳайвонлар.

ТОМОШАЛАР:
23, 24, 25, 26, 27, 28, 29 декабрь соат 12.00, 14.00, 16.00 да;
30 декабрь соат 18.00 да;
31 декабрь соат 16.00 да;
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 январь соат 18.00 да;
8, 9, 10, 11, 12, 13, 14 январь соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган. Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.



Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-89, 44-29-04.



**ХАЛҚ БАНКИДА ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХАЛҚ БАНКИ МУАССАСАЛАРИГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ ва ХАЗИНАЧИ-НАЗОРАТЧИ касблари бўйича КУРСЛАРГА 18 ёшга тўлган ва ўрта маълумотга эга бўлган ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**
**ЎҚИШ ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.**
**МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:**

**33-51-95, 36-10-29** — Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармаси, Мовароуннаҳр кўчаси, 4-уй;
**54-76-41** — Миробод тумани Халқ банкининг 14-бўлими, Кафанов — Нукус кўчаси, 2-уй;
**44-03-78** — Шайхонтоҳур тумани Халқ банкининг 3627-бўлими, Ц-14, 19-уй.
**33-15-69** — Мирзо Улуғбек тумани Халқ банкининг 3628-бўлими, Ҳ. Олимжон майдони, 13 «а»;
**35-67-41** — Юнусобод тумани Халқ банкининг 36-49-бўлими, Ц-6, 90-уй;
**55-34-91** — Яккасарой тумани Халқ банкининг 3650-бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 49;
**53-87-06** — Чилонзор тумани Халқ банкининг 7882-бўлими, Я. Рудзутак кўчаси, 16;
**58-15-98** — Сирғали тумани Халқ банкининг 7945-бўлими, Сирғали-4, 31 «а»;
**97-66-69** — Ҳамза тумани Халқ банкининг 7963-бўлими, Шолохов кўчаси, 116;
**48-04-65** — С. Раҳимов тумани Халқ банкининг 8050-бўлими, А. Бобожонов кўчаси, 10;
**72-53-87** — А. Икромов тумани Халқ банкининг 8297-бўлими, Чилонзор, 25-мавзе, 41-уй;
**98-35-93** — Бектемир тумани Халқ банкининг 8674-бўлими, Х. Бойқаро кўчаси, 89.



**ТАШКИЛОТ**
**КАССА АППАРАТЛАРИНИ**
(фискаль хотирали, кафолатли)
**СОТАДИ**
Шунингдек, унда ишлашни ўргатади ва сервис хизмати кўрсатади
**Телефонлар (3712) 65-06-95, 65-08-24.**



Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г–0495 • Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.